

(Хужжат рус тилида қабул қилинган)

## ОФЕРТА-ТАКЛИФ

1. “Ўзбекистон республикаси това-хомашё биржаси” АЖ, матндан кейинда “Биржа” номидан Устав асосида иш кўрувчи Бошқарув раиси З.Б. Бадриддинов, ушбу таклиф билан қуйидаги шартларда “ЎзРТХБ” АЖ да аъзоликка қабул қилиш тўғрисида шартнома тузишга тайёргарлигини ифодалайди:

### **Биржанинг ҳуқуқлари:**

-товарларни биржа савдолари ва биржа котировка рўйхатига киритиш жараёнини амалга ошириш, Биржа аъзоси томонидан ўз мажбуриятларини бажаришини кафолатли таъминлаш шаклларини ўрнатиш;

амалдаги қонунчилик ва биржа савдо қоидаларини бузган ҳолда тузилган биржа битимларни расмийлаштиришни тўхтатиш ёки рад этиш;

- Биржа аъзоси томонидан унга қўйилган талабларни бажармаганлиги учун биржадаги аъзолигини тўхтатиш ёки тугатиш;

### **Биржа аъзосининг ҳуқуқлари:**

-Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Биржа савдоси қоидалари ва биржанинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган шарт ва тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ва биржа битимларини тузиш;

- биржа комиссиялари фаолиятида қатнашиш;

-Биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

-ишга чекланмаган миқдордаги трейдерларни жалб қилиш;

### **Биржа аъзосининг мажбуриятлари:**

-биржага оид бўлмаган битимларни тузмаслик;

- ўз вақтида аъзолик бадалларини киритиш;

- биржа билан биргаликда пул мажбуриятлари юзасидан ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш; ўз вақтида миждозга унинг манфаатлари билан битимлар тузиш ҳамда унинг кўрсатмаларини бажариш билан боғлиқ бўлган тўлиқ маълумотни тақдим этиш;

-биржа битимлари ижроси жараёнида, нархлар манипуляциясига ва БСЭТ (биржа савдоси электрон тизими) нинг дестабилизациясига олиб келувчи шартларнинг пайдо бўлишиги йўл қўймаслик;

-жиноий фаолиятдан ва терроризмни молиялаштиришдан олинган даромадларга қарши курашишга қаратилган ички назорат тизимини жорий этиш ва ижро этиш;

- ўз аъзолигини бировларга сотмаслик, бегоналаштирмаслик, бошқаларга суб-ижарага бермаслик;

- Биржа аъзоларининг меҳнат шартномалари тузилган трейдерлари номига расмийлаштирилган барча индивидуал логин ва паролларнинг ишлатилиши учун жавобгар бўлиш.

2. Аризачилар Ўзбекистон Республикасининг “Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида” ги Қонуни, “ЎзРТХБ” АЖ Кузатув кенгаши (19.07.2019 йилдаги йиғилиш баённомаси) билан тасдиқланган “ЎзРТХБ” АЖ Биржа савдоси қоидалари ҳамда биржанинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган шартларда Биржа аъзолиги тўғрисидаги оммавий шартномани тузган саналадилар.

3. Оферта-таклиф шартлари қабул қилинганда, Аризачи бу ҳақда шартноманинг ажралмас қисми саналган Акцепт-аризаси юбориш орқали Биржа билан шартнома тузишга розилиги тўғрисида Биржани хабардор қилади. Акцептнинг барча бўлимлари қисқартмаларсиз, аниқ ва босма ҳарфлар билан тўлиқ тўлдирилиши шарт.

4. Биржа савдоларининг электрон тизимига киришга ҳақли бўлиш учун, Биржа аъзоси ва Биржа аъзолигига Номзод тасдиқланган тарифларга кўра аъзолик бадалини тўлайди, ва бир вақтнинг ўзида “ЎзРТХБ” АЖ да аъзолик тўғрисидаги оммавий оферта (шартнома) шартларини қабул қилганлиги юзасидан акцепт-ариза юборади.

Аъзолик бадаллари қиймати Биржа кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

5. Биржа томонидан акцепт қабул қилингандан кейин Шартнома тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради, шундан сўнг тарафлар ўз мажбуриятларини бажаришга киришадилар ҳамда ушбу шартнома токи амалдаги қонунчиликка мувофиқ бекор қилингунга ёки тарафлар мажбуриятлари тугашига қадар қонуний кучга эга бўлади.

6. Аъзолик тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати – акцепт-ариза олингандан кейин 1 йил бўлиб, агарда тарафларнинг ҳеч бири унинг муддати тугашигача 10 кун ичида шартномани бекор қилиш ҳақида хабар бермаса, бу муддат биржа аъзосининг аризаси билан худди шу муддатга узайтирилиши мумкин.

7. Шартномани янги муддатга узайтириш тўғрисида ариза берилганда, биржа аъзоси кейинги муддат учун йиллик бадални шартнома муддати тугашининг сўнги кунидан кечиктирмай тўлаши шарт. Аъзолик бадаллари “ЎзРТХБ” АЖ ҳисоб рақамига келиб тушмаганда, шартнома ўз кучини йўқотади ва Биржа аъзоси тўлов мажбуриятларини бажаришига биржа савдолари электрон тизимига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

“ЎзРТХБ” АЖда аъзолик тўғрисидаги оммавий шартнома бекор қилингандаги тўлов белгиланган тарифларга кўра тўлиқ муддат учун ундирилади ва қайтадан ҳисоб-китоб қилинмайди.

8. “ЎзРТХБ” АЖ реквизитлари:

**“Ўзбекистон республикаси товар-хомашё биржаси” АЖ**

**Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 77 уй**

**Х/р: 20208000700600257050 ХАБ «Трастбанк» Амалиётлар Бошқармасида**

**МФО: 00491**

**СТИР: 200933985**

**ОКЭД: 66.11.0**

**Тел: +99871-207-00-33**

**Телеграмм: @UZEXfeedbackbot**